
РИШТОНДА ПРЕСС-ТУР ВА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

Фарғона вилояти ҳокими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг 2021 йил март ойида тасдиқланган “Фарғона вилояти ҳокими, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокида 2021 йил апрел-июнь ойларида ўтказиладиган тадбирлар режаси”ни ижросини таъминлаш бугун Риштон туманида пресс-тур ва матбуот анжумани бўлиб ўтади. Пресс-тур Риштон тумани ҳокимлиги муассислигидаги “Риштон ҳақиқати” газетаси фаолияти билан танишиш ва газетанинг 90 йиллик юбилейини нишонлаш билан бошланди. Туман ҳокимлиги мажлислар залида ўтказилган тантанали тадбирда Вилоят ҳокими ўринбосари Файзулла Қосимов, Ўзбекистон Журналистлар Уюшмаси вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов, туман ҳокими Суфҳонжон Солиев, фахрий журналистлар, шоир ва ёзувчилар ва блогерлар иштирок этишди. Тадбир давомида бир қатор журналистлар тақдирланишди. Фархий журналистлар ва ёзувчилар таҳририят ходимларини юбилей билан табриклаб, газета тарихидаги ёрқин хотиралар ҳақида айтиб ўтишди. Шундан кейин “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни ҳар томонлама олиб борилаётган ишлар юзасидан Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиев иштирокида ОАВ вакиллари, журналист ва блогерлар учун матбуот анжумани ўтказилди.

2021-05-11 15:31:58